

МАҲАЛЛАЛАРДА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРГА ТАЬСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ**Қоржавова Хуршида Абдумаликовна**

Самарқанд давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада маҳалларда ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар, эксперталар томонидан маҳаллаларда ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларга берган баҳолари, ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларги эксперт баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда аниқлаш тадқиқ қилинган.

Ижтимоий хизматларнинг ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни баҳолашда тадқиқотчи А.А. Бектемиров томонидан такомиллаштирилган эксперт баҳолаш усулидан фойдаланамиз. Унга кўра ижтимоий хизматларга омилларнинг 1 дан 5 гача бўлган шкалада баҳоланади. Эксперталар томонидан омилларнинг таъсир кўрсатиш баҳоси тўғрисига (+) белгиси қўйилади. Бунда баҳолаш кўрсаткичлари: 1-2 – ижтимоий хизматларнинг ривожлантиришга “кучиз” таъсир кўрсатадиган омиллар; 3 – ижтимоий хизматларнинг ривожланишига “ўртacha” таъсир кўрсатадиган омиллар; 4-5 – омилларнинг ижтимоий хизматларни ривожлантиришга “кучли” таъсир кўрсатишни билдиради.

Юқорида келтирилган усул асосида маҳаллаларда ижтимоий хизматларнинг ривожлантиришга омилларнинг таъсир даражасини баҳолаймиз. Бу сўровларда жами 110 кишидан иборат эксперталар иштирок этишди. Ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни баҳолаш натижалари қуйидаги 1 – жадвалда ўз аксини топган

1-жадвал**Эксперталар томонидан маҳаллаларда ижтимоий хизматларни ривожлантиришгатаъсир кўрсатувчи омилларга берган баҳолари**

| Омиллар турухи | Ижтимоий хизматларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар | | Эксперт баҳоси (эксперталар сони 110 киши) | | | | |
|------------------------------|--|--|--|----|----|----|----|
| | № | Омилларнинг номи | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| I-гурух Сиёсий омиллар | 1. | Ижтимоий хизматларга оид мамлакат Қонунлари ва қонун ости хужжатларининг мавжудлиги | 0 | 0 | 18 | 37 | 55 |
| | 2. | Давлат сиёсий қурилишининг ўзгариши | 0 | 0 | 0 | 73 | 37 |
| | 3. | Янги ҳокимиятнинг аввалиги ҳокимият мажбуриятларини инкор этиши | 0 | 9 | 9 | 37 | 55 |
| | 4. | Давлат томонидан солик сиёсатининг ўзгаририлиши | 0 | 0 | 18 | 55 | 37 |
| II-гурух Ижтимоий омиллар | 1. | Ижтимоий хизматлар истеъмолининг ошиши натижасида вакт тежамкорлиги хисобига ижтимоий фойдали меҳнатда ишчи кучидан фойдаланиш самародорлиги ва ахоли бандлигининг ошиши | 0 | 0 | 55 | 37 | 18 |
| | 2. | Ижтимоий хизматлар хисобига ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошиши | 0 | 18 | 25 | 30 | 37 |
| | 3. | Ижтимоий хизматларнинг бевосита ва билвосита таъсири хисобига миллый даромаднинг ошиши | 0 | 0 | 18 | 37 | 55 |
| | 4. | Ижтимоий хизматлар истеъмоли хисобига иқтисодий бойликлар истеъмоли умумий хажмининг ошиши | 0 | 0 | 55 | 55 | 0 |

| | | | | | | | |
|--|----|--|----|----|----|----|----|
| | 5. | Ижтимоий хизматлар ҳисобига жамият аъзоларининг умумтаълим ва маданий даражасининг ошиши, соғлигининг мустахкамланиши, ахолининг турли ижтимоий қатламларнинг, шахар ва қишлоқ ахолиси турмуш даражасининг яқинлашиши. | 0 | 18 | 27 | 35 | 30 |
| III-гурух Иқтисодий омиллар | 1. | Ахолининг ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси | 18 | 14 | 21 | 37 | 20 |
| | 2. | Ижтимоий хизматлар соҳасининг уй хўжалигида меҳнат харажатларини камайтирилишига ва бўш вақти таркибига таъсирни | 0 | 73 | 18 | 18 | 0 |
| | 3. | Ижтимоий хизматлар соҳасининг ишчи кучининг сифат таркибига ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир даражаси | 0 | 37 | 18 | 55 | 0 |
| IV-гурух Мафкурав | 1. | Мафкуранинг йўналтирувчанлиги (мобилизация килувчанлиги) | 18 | 37 | 18 | 37 | 0 |
| ий омиллар | 2. | Мафкуранинг инсон дунёкаришини ўзгартирувчанлиги | 0 | 18 | 18 | 37 | 37 |
| | 3. | Мафкуранинг бирлаштирувчи (интеграциялаш) кучи | 0 | 22 | 15 | 18 | 55 |
| | 4. | Мафкуранинг ижтимонийлаштирувчи (социализацияловчи) роли | 15 | 22 | 27 | 24 | 20 |
| Y-гурух Техноген омиллар | 1. | Зилзилалар, сув тошқинлари, бўронлар, эпидемиялар натижасидаги салбий холатларни бартараф этишда ижтимоий хизматларнинг аҳамияти | 0 | 7 | 31 | 45 | 27 |

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатади, эксперталар келтирилган меъзонлрга таяниб ҳар бир омил кесимида баҳолаган. Унда келтирилган маълумотлардан қўриниб турибдики, ҳар бир омилнинг ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсир даражасини баҳолаган. Баҳолаш натижаларинитаҳлил қиласидан бўлсан,- биринчи гурух омиллари “1” баҳога баҳолаган эксперталар мавжуд эмас, шу гурух омилларини “2” баҳога баҳолаганлар сони жами 9 нафарни ташкил этади. Гуруҳдаги омилларни “3” баҳога баҳолаган эксперталарнинг сони омиллар ўйича 9 дан 18 нафаргача ўзгаради. Гуруҳдаги омилларнинг ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсир даражасини “4” ва “5” баҳога баҳолаганлар сони эса анча юқори. Унинг ўзгариши 37 нафардан 73 нафаргача ўзгариб борган ва бу омилларнинг барчаси маҳаллаларда ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсир даражаси кучли эканлигини кўрсатади.

Иккинчи гурух омилларининг маҳаллаларда ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсирини куйидагича баҳолаганлар. “1” ва “2” баҳога баҳолаган эксперталар сони жами 36 нафарни ташкил этади. “3” баҳога баҳолаганлар сониомиллар бўйича 18 нафардан 55 нафаргача ўзгаради. Гуруҳ омилларини баҳолаган эксперталар “4” ва “5” баҳоларга баҳолаганлар сони омиллар бўйича 18 нафардан 55 нафаргача ўзгариб борган. Бундан маълум бўладики, омиллар асосан “ўртacha” ва “кучли” даражада таъсир кўрсатар экан.

Учинчи гурух омилларининг маҳаллаларда ижтимоий хизматларни ривожлатиришдаги таъсир даражаси “1” ва “2” баҳога баҳолаган эксперталар сони 14 нафардан 73 нафаргача бўлиб, бу омилларнинг “кучсиз” таъсир кўрсатишни билдиради.

Эксперталар томонидан тўртинчи гурух омилларини баҳолаш натижаларидан маълум бўладики, омилларнинг “кучсиз” таъсир кўрсатади деб баҳолаганлар 15 нафардан 37 нафаргача, “ўртacha” таъсир кўрсатади баҳолаганлар 18 нафардан 37 нафаргача, “кучли” таъсир кўрсатади деб баҳолаганлар эса 18 нафардан 55 нафарни ташкил этади. Бундан кўринадики бу гурух омиллари “кучли” таъсир кўрсатар экан.

Техноген омилларни (бешинчи гурух) баҳолаш натижаларидан кўриниб турибдики, бу омиллар маҳаллаларда ижтимоий омилларни ривожлантиришга “кучли” таъсир кўрсатар экан (эксперталардан 72 нафари “кучли” таъсир кўрсатади деб баҳолаган).

1-жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда, эксперт баҳоларини умумлаштириб, ижтимоий хизматларни ривожлантиришга “кучсиз”, “ўртача” ва “кучли” таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаймиз. Бунинг учун юқорида келтирилган баҳолаш меъзонларига асосан маълумотларини умумлаштирамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсир даражасини аниқлаш жадвали

| Омиллар гурӯҳи | Ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар | | Экспертлар сони | Омилларнинг таъсир даражаси кўра эксперт баҳолаш натижалари | | |
|--------------------------------|--|--|-----------------|---|----------|---------|
| | № | Омилларнинг номи | | “Кучсиз” | “Ўртача” | “Кучли” |
| I-гурӯҳ Сиёсий омиллар | 1. | Ижтимоий хизматларга оид мамлакат Конунлари ва қонун ости хужжатларининг мавжудлиги | 110 | 0 | 18 | 92 |
| | 2. | Давлат сиёсий курилишининг ўзгариши | | 0 | 0 | 110 |
| | 3. | Янги ҳокимиятнинг аввали ҳокимият мажбуриятларини инкор этиши | | 9 | 9 | 92 |
| | 4. | Давлат томонидан солик сиёсатининг ўзгартилиши | | 0 | 18 | 92 |
| II-гурӯҳ Ижтимоий омиллар | 1. | Ижтимоий хизматлар истеъмолининг ошиши натижасида вақт тежамкорлиги хисобига ижтимоий фойдали меҳнатда ишчи кучидан фойдаланиш самардорлиги ва аҳоли бандлигининг ошиши | | 0 | 55 | 55 |
| | 2. | Ижтимоий хизматлар хисобига ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошиши | | 18 | 25 | 67 |
| | 3. | Ижтимоий хизматларнинг бевосита ва билвосита таъсири хисобига миллий даромаднинг ошиши | | 0 | 18 | 92 |
| III-гурӯҳ Иқтисодий омиллар | 4. | Ижтимоий хизматлар истеъмоли хисобига иқтисодий бойликлар истеъмоли умумий хажмининг ошиши | | 0 | 55 | 55 |
| | 5. | Ижтимоий хизматлар хисобига жамият аъзоларининг умуттаълим ва маданий даражасининг ошиши, соғлигининг мустахкамланиши, аҳолининг турли ижтимоий қатламларнинг, шахар ва кишлоп аҳолиси турмуш даражасинининг якинлашиши. | | 18 | 27 | 65 |
| III-гурӯҳ Иқтисодий омиллар | 1. | Аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси | | 32 | 21 | 57 |
| | 2. | Ижтимоий хизматлар соҳасининг уй хўжалигида меҳнат харажатларини камайтирилишига ва бўш вақти таркибига таъсири | | 73 | 18 | 19 |
| | 3. | Ижтимоий хизматлар соҳасининг | | | | |

| | | | | | | |
|--|----|--|--|----|----|----|
| | | ишчи кучининг сифат таркибига ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир даражаси | | 37 | 18 | 55 |
| IV-гурух Мафкуравий омиллар | 1. | Мафкуранинг йўналтирувчанлиги (мобилизация кильтувчанлиги) | | 55 | 18 | 37 |
| | 2. | Мафкуранинг инсон дунёкаришини ўзгартирувчанлиги | | 18 | 18 | 74 |
| | 3. | Мафкуранинг бирлаштирувчи (интеграциялаш) кучи | | 22 | 15 | 73 |
| | 4. | Мафкуранинг ижтимоийлаштирувчи (социализацияловчи) роли | | 37 | 29 | 44 |
| V-гурух Техноген омиллар | 1. | Зилзилалар, сув тошкінлари, бўронлар, эпидемиялар натижасидаги салбий ҳолатларни бартараф этишда ижтимоий хизматларнинг аҳамияти | | 7 | 31 | 72 |

2-жадвалга киритилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ижтимоий хизматларнинг ривожланишига таъсир кўрсатадаиган омиллар сони 17 та бўлиб, улар 5 та гурухга жаратилган. Бу омилларни эксперталар томонидан ижтимоий хизматларнинг ривожланишига таъсир кўрсатишини баҳолаш натижаларидан қуйидагиларни аниклаш мумкин: биринч гурухга киритилган барча омилларнинг ижтимоий хизматларнинг ривожлантиришга таъсир даражаси жуда юқори экан, яъни ижтимоий хизматларни ривожлантиришга ижтимоий хизматларга оид мамлакат Қонунлари ва қонун ости хужжатларининг мавжудлигибўйича 110 экспертдан 92 нафари (84%) “кучли” таъсир кўрсатишини, 18 нафари (16%) эса “ўртача” таъсир кўрсатишини баҳолашган. Давлат сиёсий курилишининг ўзгариши билан боғлиқ омиллига эса 100 % эксперталар “кучли” таъсир кўрсатади деб баҳолашган. Янги ҳокимиятнинг аввалги ҳокимият мажбуриятларини инкор этиши билан боғлиқ омилнинг ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсирини эксперталарнинг 84% (110 нафардан 92 нафари) “кучли”, 9 нафардан эксперталар (8 %) “кучсиз” ва “ўртача” таъсир кўрсатади деб баҳолашган. Давлат томонидан солик сиёсатининг ўзгартирилиши билан боғлиқ омилнинг ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсирини 92 нафар эксперт (84 %) “кучли”, 18 нафари эса “ўртача” таъсир кўрсатишини баҳолаб берган.

Иккинчи гурух омилларни (ижтимоий омилларни) ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсирини эксперталар томонидан баҳолаш натижаларидан кўриниб турибдики, ижтимоий хизматлар истеъмолининг ошиши натижасида вақт тежамкорлиги хисобига ижтимоий фойдали меҳнатда ишчи кучидан фойдаланиш санарадорлиги ва аҳоли бандлигининг ошиши билан боғлиқ омилга 55 нафардан (50 %) эксперталар мос равишида “ўртача” ва “кучли” таъсир кўрсатишини, ижтимоий хизматлар хисобига ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошиши бўйича омилга эксперталардан 18 нафари (16 %) “кучсиз”, 25 нафари (23%) “ўртача” ва 67 нафари (61 %) “кучли” таъсир этишини баҳолаб беришган. Шу гурухга кирувчи ижтимоий хизматларнинг бевосита ва билвосита таъсири хисобига миллий даромаднинг ошиши билан боғлиқ омилга 18 нафар (16 %) эксперт “ўртача”, 92 нафари (84 %) эса “кучли” таъсир кўрсатади деб баҳолашган. Ижтимоий хизматлар истеъмоли хисобига иқтисодий бойликлар истеъмоли умумий хажмининг ошиши боғлиқ омилга 55 нафардан (50 %) эксперталар мос равишида “ўртача” ва “кучли” таъсир кўрсатишини, ҳамда ижтимоий хизматлар хисобига жамият аъзоларининг умум-таълим ва маданий даражасининг ошиши, соғлигининг мустахкамланиши, ахолининг турли ижтимоий қатламларнинг, шахар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасинининг яқинлашиши билан боғлиқ омилга эса ижтимоий хизматларни ривожлантиришга эксперталарнинг 18 нафари (16 %) “кучсиз”, 27 нафари (25 %) “ўртача” ва 65 нафари (59 %) “кучли” таъсир кўрсатишини баҳолашган.

Учинчи гурух омиллари иқтисодий омиллардан иборат бўлиб, бу омилларнинг ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсирини эксперталарнинг баҳолаш натижалари қуйидагича: ахолининг ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиш даражасини кўрсатувчи омилнинг таъсирини “кучсиз” деб баҳолаган эксперталар сони 32 нафарни (29 %) ташкил этади. “Ўртача” таъсир этишини эса 21 нафар эксперт (19 %), “кучли” таъсир кўрсатишини эса 57 нафар (52 %) эксперт баҳолашган. Ижтимоий хизматлар соҳасининг уй хўжалигига меҳнат харажатларини камайтирилишига ва бўш вақти таркибига таъсирини кўрсатувчи омилга эксперталардан “кучсиз”, “ўртача” ва “кучли” деб баҳолаганлар мос равишида 73; 18; 19 нафар (66 %; 16 %; 17 %) эксперталарни ташкил этади. Ижтимоий хизматлар соҳасининг ишчи кучининг сифат таркибига ва ижтимоий ишлаб чиқариш санарадорлигини оширишга таъсир даражаси кўрсатувчи омилга эксперталардан 37 нафари (34 %) “кучсиз” таъсир этишини, 18 нафари (16 %) “ўртача” таъсир кўрсатишини ва 55 нафари (50%) “кучли” таъсир кўрсатишини баҳолашган.

Тўртинчи гурух омилларининг ижтимоий хизматларни ривожлантиришга таъсирини эксперталарнинг ҳар бир омил бўйича баҳолаш натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, мафкуранинг йўналтирувчанлиги (мобилизация қилувчанлиги) омилининг таъсир даражасини “кучсиз” деб баҳолаган эксперталар сони 55 нафарни (50 %), “ўртача” деб баҳолаганлар 18 нафарни (16 %), “кучли” деб баҳолаганлар эса 37 нафарни (34 %) ташкил этади. Мафкуранинг инсон дунёқаришини ўзгартирувчанлиги омилини эса 18 нафардан (16 % дан) эксперталар мос равишда “кучсиз” ва “ўртача” даражада таъсир кўрсатади деб баҳолашган бўлса, 74 нафар (67 %) эксперт эса “кучли” деб баҳолашган. Мафкуранинг бирлаштирувчи (интеграциялаш) кучиомилига эксперталарнинг қарашлари қуидагича 22 нафари (20 %) “кучсиз” деб, 15 нафари (14 %) “ўртача” ва 73 нафари (66 %) эса “кучли” таъсир кўрсатишини билдиришган. Шу гурухдаги мафкуранинг ижтимоийлаштирувчи (социализацияловчи) ролини 37 нафар (34 %) эксперт “кучсиз”, 29нафар (26 %) эксперт “ўртача” ва 44 нафар (40 %) эксперт эса “кучли” таъсир кўрсатади деб баҳолашган.

Охири гурух омиллар техноген омиллардан иборат бўлиб, улар зилзилалар, сув тошқинлари, бўронлар, эпидемиялар натижасидаги салбий холатларни бартараф этишда ижтимоий хизматларнинг аҳамиятини билдиради ва уларнинг ижтимоий хизматларни ривожлантиришдаги таъсирини эксперталардан 7 нафари (6 %) “кучсиз” таъсир кўрсатади деб, 31 нафари (28 %) “ўртача” ва 72 нафари (65 %) “кучли” таъсир кўрсатади деб баҳолашган.

Омилларнинг ижтимоий хизматларни ривожлантиришдаги таъсирини аниқлашда эксперталар томонидан омилларнинг баҳоланиши субъектив бўлсада, таъсир даражаси катта бўлган омилларни танлаб олиш имкониятига эга бўламиз.

Хулоса ва таклифлар

Эксперталар томонидан омилларнинг ижтимоий хизматларни ривожлантиришдаги таъсир даражасини баҳолашлар натижасидан маълум бўладики, 5 гурухдан танлаб олинган 17 та омилнинг аксарияти ижтимоий хизматларни ривожлантиришдаги роли катта экан. Агар таъсир кўрсатиш даражаси 50 % дан юқори бўлган, “кучли” таъсир кўрсатадиган омилларни танлаб оладиган бўлсак, таҳлил қилинган 17 та омилдан 11 таси ана шундай омиллардан иборат. Бу омиллар эса келгусида ижтимоий хизматларни ривожлантириш стратегияларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фурастье Ж. Технический прогресс и капитализм с 1700 по 2100 год. // Какое будущее ожидает человечество? Прага: «Мир и социализм», 1964. с.157-159.
2. Луман Н. Формы помощи в процессе изменения в общественных условиях. Пер. с нем. Д.В.Озирченко, Н.Малинкина // Социологический журнал. 2000. №1-2. – С. 16-35.
3. Дж.Зингельманн сущность и классификация https://studopedia.ru/10_230220_sushchnost-i-klassifikatsiya.html
4. Парсонс Т. Система современных обществ. – М.: Аспект-Пресс, 1997; https://bstudy.net/615060/sotsiologiya/parsons_smelser
5. Буянова М.О. Право социального обеспечения. – М.: Проспект, 2009.
6. Шарин В. Социальное обслуживание: вектор развития // Человек и труд. 2011. №5.
7. Воронцова М. В., Макаров В. Е. Этические основы социальной работы. Учебное пособие. 309 с. - С. 8-9. <https://books.google.ru/books?id=Q7phCgAAQBAJ&pg=PT9>
8. Малофеев Иван Вячеславович Развитие системы социальных услуг для населения: опыт и проблемы // Учёные записки ЗабГУ. Серия: Философия, социология, культурология, социальная работа. 2012. № 4. URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/razvitiye-sistemy-sotsialnyh-uslug-dlya-naseeleniya-opyt-i-problemy>
9. Д.З.Эрназаров Ўзбекистонда ижтимоий капитал ривожланишининг тарихий илдизлари. <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/884/691>
10. Хашимов П.З. Экономика социальной сферы. – Т.: «Университет», 2002.
11. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. /И.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 56 б.
12. Бектемиров А.А. Тадбиркорлик рискларини баҳолаш ва уни пасайтириш йўллари (2-мақола) // “Сервис” журнали, – Самарқанд. – 2021. –№2. Б.137-142.